

Хамадон томон юриш бошланиб, жанг кизгин паллага кирганда унинг дарди кайталаб мадори кочди. Энди кучдан колганини ва касалликни даф килолмаслигини англаб, ўзини-ўзи даволашни тўхтатди. Шу тарика тиб илмини эгаллаб, энг юкори чўккига чиккан Ибн Сино фаолияти давомида минглаб беморларни даволаган, ўлим исканжасидан олиб колган бўлса-да, ўзига келганда ожиз-лик килди ва муолажалар фойда бермай кўйди.

Абу Али ал-Хусайн ибн Абдуллох ибн Али ибн Сино, гарчи Бухоронинг кичиккина Афшона кишлогидида тугилган бўлса-да, вақт ўтиб унинг довлуги оламини тутди. Асли хоразмлик бўлган ва Бухорода яшаб ижод килаётган ан-Нотилийга шогирд тушиши унинг Ибн Сино бўлиб довлук таратишига сабаб бўлди. Зеро, хали ёшгина бухоролик йигитнинг Нотилий билан танишуви ва илм уммонида шўнгиши натижасида чекка бир Афшона кишлогилик Ибн Сино довлуги кенг таркалиб, хатто у устозидан ҳам ўзиб кетди.

Бу ҳақда у «Нотилий кайси масалаларни мендан сўра-масин, мен ўша масалани ундан кўра дурустрок тасаввур килардим. Нихоят ундан мантикнинг юзаки масалаларини ўқидим, лекин нозик томонлари унга номаълум эди», деб ёзганди.

Ана шундай илм чўккисини забт кила оладиган даражага етган Ибн Сино, гарчи Бухоро амири Нух ибн Мансурни даволаб эъзозу эхтиромга сазовор бўлган бўлса-да, сомонийлар давлатини кулатиб, Бухорои шарифни кораконийлар эгаллагач, 1005 йилда Хоразмга келди.

Шу тарика у давр талотўплари ва сиёсий ўзгаришлар боис илму ижод учун тинч ва баркарор ҳаётни истаб, 1012—1014 йилларда Журжонда, 1014 йили Рай, 1015-1023 йилларда Хамадон ва сўнгра Исфакхонда мухожирликда яшади.

Гарчи у мусофирликда ҳаёт кечирган бўлса-да, борган жойларида ҳам оддий факирлару, бойвачча ва хукмдорларни даволаб эъзозда яшади.

Аммо давр талотўплари ва сиёсий фитналар боис бир жойдан иккинчи ерга кўчиб кочкинликда юргани, турли хил касалликларни даволаш, тажрибалари, ўкиб-ўрганлари асосида асар ёзиш учун, хатто уйкусиз тунлар ўтказгани сабаб, рохату фарогат унга ёт бўлиб колди. Хатто бир гал Хамадонда яшаётганида фитна туфайли амир аскарлари Ибн Синонинг уйига бостириб кириб, мол-мулкни талон-тарож килиб, буюк ҳакимни ўлдиришни амир Шамсудавладан талаб килишади. Натижада Ибн Сино вазият ўнгангунча ибн Дахнух деган кишининг уйида кирк кун давомида бекиниб ётади. Бошка сафар эса яна сарой ўйинлари боис Ибн Сино Фараджон калъасида маълум муддат камалиб ҳам ётади. Буларнинг бари унга салбий таъсир ўтказиб огир касал холатида олиб келди.

1035 йилда Исфакхон амири Алоуддавла билан Тошфаррош ўртасида уруш бўлиб турган пайтида Ибн Синонинг санчик касали тутиб колади. Шунда буюк ҳаким тезда ўзини даволашга киришиб, кунига 8 марталаб ўзига ўзи хукна — клизма колади. Жанг бўлиб турган шаҳарда осойишталик бўлмагач, бунинг устида даволаниш учун нокулай жойда

килинган хукна натижасида Ибн Синонинг ичаклари кизариб, яллигланиб хам кетади.

Бирок уни ўзининг соглигини ўйлаб ёнида олиб юрган амир Алоуддавла тушунмай, Ибн Сино касаллигига бепарво караб, шундан сўнг хам икки йил давомида сафарларида бирга юришга мажбур килади. Бу вақт ичида Ибн Синонинг дарди кучайгач, у ўзини тезроқ даволаш ниятида эди. Аммо ичагида пайдо бўлган яллигланиш натижасида санчик огриги зўрайиб, Ал-Жузжонийнинг ёзишига кўра, «хатто бир гал хукна килинадиган нарса ичига икки дона-дан карафс уруги аралаштиришни буюрди. Бу билан у санчик пайтида пайдо бўладиган корин дам бўлишини йўқ килмокчи бўлди. Уни даволаётган табиблардан бири хукнага ишлатиладиган аралашмага карафс уругининг беш дирхам вазндагисини солиб юборибди. Бутабиб, даво асносида атайлаб шундай килдими ё янглишиб дорини кўп солиб юбордими, билолмадим, чунки бу иш бажарилаётган пайтда иш устида бўлмаган эдим».

Бу эса дарднинг зўрайиб, буюк ҳакимнинг ахволи огир-лашишига сабаб бўлди. Умиди сўнмаган Ибн Сино ўзини даволашга интилар, аммо табобат коидаларига риоя қилиб умрини ўтказган бўлмасин, қочкинлик ва камокда бўлган йиллар, куну тун давомидаги муолажалар, шогирдларига таълим бериш, асарлар ёзишдаги тунни тонгга улаган лаҳзалардаги уйқусизлик унга таъсир ўтказиб бўлганди. Колаверса, кейинги йиллардаги ичагидаги яллигланиш унинг ахволини янада огирлаштириб юборди. Ўзини-ўзи даволаш эса бундай вазиятда ижобий таъсир килмаётган эди.

Ўзини-ўзи даволаётган шундай кунларнинг бирида, ал Жузжоний ёзишига кўра, Ибн Сино касал бўлиб ётган кезида хизматкорларидан бири ичиладиган дорига кўпроқ афюн қўшиб беради. Буни эса Ибн Сино билмай истеъмол килади. Мазкур ҳолат сабабини Абу Убайд ал Жузжоний шундай изоҳлайди: «Бундай хиёнатнинг сабаби хизматкорлардан бири Ибн Синога тегишли анчагина маблағни ўмарган, агар у тузалиб кетгудай бўлса, хизматкор ўз қилмиши оқибатида жазоланишини билиб, буюк ҳакимнинг ўлимини қутган эди».

Ахволи огирлашган Ибн Синони Хамадонга олиб келадилар. Айникса куланж ва тутканок тутиши натижасида ахволи янада зўрайган ҳакимнинг ўзини ўзи даволаши таъсир қилиб гоҳида тетиклашиб, баъзида эса хатто ўрнидан туришга хам мажоли келмай қоларди.

Нихоят у бутунлай кучдан қолганини ва касалликни даф қилолмаслигини англаб, ўзини-ўзи даволашни тўхтатади. Жузжонийнинг ёзишига кўра, Ибн Сино «танамни идора қилаётган мудир, уни тузатишдан ожиздир, энди бундан буён муолажа фойда бермайди», деган.

Тиб илмининг чўққисига чиккан мутафаккир аллома Ибн Сино ҳазратлари 1037 йил рамазон ойининг биринчи жумасида — 24 июнь куни Хамадон шаҳрида вафот этди. У бор-йўғи 56 йилу 10 ой 9 кун яшаган эди, ҳолос.

Умид Бекмуҳаммад, "Мозийдаги сирли ўлимлар" китобидан

